

А.А. Ядгаров, и.ф.н., доц.,
С.С. Саидкаримова, магистрант, ТДИУ

РЕАЛ СЕКТОРНИ ХУДУДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

В данной статье анализируется отрасль показатели развития и инвестиционный климат территории реального сектора в стране, также излагается механизм пути инвестирование реального сектора.

In this article is analysed the branch indicators of developments and investment climate of the territory real sector in the country, also is stated the way mechanism investment of real sector.

Калитли сўзлар: *реал сектор, инвестициялаш механизми, рақобатбардошликни ошириш, таҳлил, саноат маҳсулотлари.*

Юртимиз ҳудудларида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларида эришилаётган ютуқлар, айнан реал сектор тармоқларини ҳудудлар миқёсида ривожлантиришга бўлган эътиборнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлигидан дарак бермоқда. Шу боис, ҳудудларимиздаги шаҳар ва кўчаларнинг давлат дастури асосида реконструкция қилинаётганлиги, қурилаётган янги кўп қаватли бинолар ва намунавий уй-жойларнинг барпо этилаётганлиги ҳудудларимизнинг раванқ топиб чирой очаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида “...2015 йилда амалга оширган кенг кўламли, узоқни кўзлаган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди” [1].

Бугунги кунда иқтисодиётнинг реал сектори айнан, иқтисодиётнинг бевосита барча моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳалари яъни, у ўз ичига саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади. Реал сектор тармоқларини жадал ривожлантириш борасида туб бурилиш ясаган 2010 йилнинг 15

декабрида мамлакатимиз Президентининг саноатни барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида ПҚ-1442-сонли “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда саноатни ривожлантиришнинг комплекс дастури ва модернизация қилиниши, техник ва технологик янгиланиши, янгидан барпо этилиши кутилаётган йирик инвестицион лойиҳалар акс этган бўлиб, устувор йўналишлар белгилаб берилган:

➤ структура ҳосил қилувчи тармоқларни ва умуман саноатни ривожлантиришнинг аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;

➤ Ватанимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

➤ Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимоотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

➤ саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

➤ ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

➤ ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда


импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

➤ меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

➤ саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш[3].

Айнан, ушбу қарор реал секторда саноат тармоқларини жадал ривожлантиришда муҳим дастуриламал вазифани ўтади.

Ҳақиқатдан эришаётган барча ютуқларимиз республикада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Буни эса қуйидаги расмда келтирилган статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиш мумкин.



1-расм. Ҳудудларнинг республика саноатидаги улуши, %

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари (2000-2015 йиллар).

Юқорида келтирилган маълумотларни иқтисодий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, айнан ҳудудларнинг республика саноатидаги улуши 2015 йилни ўтган 2000 йилга қиёсий таққослайдиган бўлсак, Тошкент шаҳар, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида ўсганлигини кўриш мумкин. Бошқа вилоятларда саноатнинг улуши 2015 йилга нисбатан пасайганлигини кузатиш мумкин.



2-расм. Худудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши
Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари
(2000-2015 йиллар).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳудудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини 2000-2015 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш динамикаси юқоридаги расмда келтирилган бўлиб, 2015 йилни ўтган 2000 йилга таққослайдиган бўлсак, Тошкент шаҳар, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида ўсганлигини кўриш мумкин. Деярли, ҳудудларимизнинг бошқа вилоятларида пасайганлигини кўриш мумкин.

Мамлакатимиз ҳудудлари иқтисодиётини комплекс ривожлантиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир, яъни:

- ❖ Мавжуд салоҳият, ресурслар ва яширин имкониятларни аниқлаш асосида минтақа иқтисодиётини асосий тармоқларини модернизациялашга оид лойиҳаларни амалга ошириш;

- ❖ Маҳаллий қишлоқ хўжалиги хомашёси ва фойдали табиий ресурсларни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш ва буларни қуйидаги босқичларда амалга ошириш:

- ✓ 1-босқич – хомашёни дастлабки қайта ишлаш, яъни ярим фабрикатлар тайёрлаш;

- ✓ 2-босқич – ярим фабрикатлардан тайёр материаллар ишлаб чиқариш;

- ✓ 3- босқич – истеъмол учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

- ❖ Қишлоқ хўжалигида боғдорчилик, сабзавот ва полиз етиштиришни кескик ошириш мақсадида минтақа ҳудудларида мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- ❖ Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва уларни ташқи ва ички бозорларга сифатли етказиб беришни таъминлаш мақсадида агрологистика марказларини ташкил қилиш;

- ❖ Замонавий хизмат турларидан бўлган аутсорсинг хизматини ривожлантириш имкониятларини топиш ва амалга ошириш;

❖ Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишда тежамкор технологияларни кенг қўллаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

❖ Кичик саноат зоналарини амалда ташкил қилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш. Бу борадаги кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларни йирик саноат ишлаб чиқариш билан боғлаш имкониятларини излаб топиш;

❖ Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион АҚШ долларида зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион АҚШ доллари бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди”[1].

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамізда амалга оширилаётган оқилона инвестиция сиёсати натижасида реал секторнинг деярли барча тармоқларида туб ўзгаришлар жараёни рўй бермоқда. Шу жиҳатдан, қулай инвестиция муҳитнинг мавжудлиги ва мамлакатимизда инвесторларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар натижасида инвесторларнинг қизиқиши ортиб бормоқда.

Ўтган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳамда фаол инвестиция сиёсати, муҳим юқори технологияли ҳамда замонавий объектлар ва қувватларни тезлаштирилган ҳолда ишга туширишга қаратилган. Натижада, 2015 йилнинг I ярим йиллигида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 18 трлн. 69,9 млрд. сўм миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,8 фоизга кўпдир. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида марказлашмаган манбалар улуши 2014 йилнинг мос давридаги 79,4 % ўрнига 80 %ни ташкил қилди, бу корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан қилинган инвестициялар ўсиш суръати билан боғлиқ[2].


Бугунги кунда капитал қўйилмаларнинг ЯИМдаги улуши 25 %ни ташкил этди. Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмидаги улуши 2014 йилнинг мос давридаги 7,6 %дан 6,5 %га пасайди. Инвестицияга йўналтирилган аҳоли маблағлари 1,6 фоизга қисқариб, 3880 млрд.сўмни (умумий инвестицияларнинг 21,5 %) ташкил этди. Инвестициялар ҳажми ўсишининг фойдаланиш йўналишлари ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича динамикаси. 2015 йилнинг

январь-июнь ойларида умумий инвестициялар ҳажмининг ўтган йилги 60,5 ўрнига 66,9%и ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди.

Реал сектор тармоқларининг қурилиш (6,6 марта), савдо ва умумий овқатланиш (125,5 %), ёқилғи-энергетика тармоғи (124,8 %), енгил саноат (118,1 %) қабилар энг юқори суръатлар билан ўсди. Шунингдек, коммунал хўжалиги (153,6 %) соҳасида капитал қўйилмалар ўзлаштирилишининг сезиларли ўсиши кузатилди. Шу билан бирга, металлургия (81,1%), машинасозлик (76,2), озиқ-овқат саноати (94,4), қурилиш материаллари саноати (54,3) ҳамда қишлоқ хўжалиги (82,9) соҳасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг камайганлиги кузатилди.

Реал секторга жалб қилинган чет эл инвестицияларининг тармоқлар бўйича таркибида ёқилғи-энергетика тармоғига йўналтирилган инвестициялар улуши 58,1 дан 65 % гача ўсди. Бир вақтнинг ўзида транспорт ва алоқа тармоғи (2014 йилнинг мос давридаги 24,2 %дан 18,8 %гача), озиқ-овқат саноати (0,9дан 0,3 %гача), қурилиш материаллари саноати (0,3дан 0,02 %гача) ва қишлоқ хўжалиги (2,8дан 1,0 %гача) соҳасига йўналтирилган чет эл инвестициялари улуши камайди. Реал секторда капитал қўйилмаларнинг технологик ва такрор ишлаб чиқариш тузилмасини таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йилнинг I ярим йиллигида капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида қурилиш-монтаж ишларининг улуши 59,4 %ни, машина ва ускуналарнинг улуши 29,8 %ни ва бошқа ҳаражатлар 10,8 %ни ташкил қилди. Бунда, Андижон (капитал қўйилмаларнинг инвестициядаги улуши 75,2 %ни ташкил этади), Жиззах (70,9), Наманган (84,9), Самарқанд (76,5) ва Сурхондарё (80,8) вилоятларида инвестиция фаоллиги янги асосий фондларни ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш ҳисобига таъминланаётган бўлиб, бу қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Айни вақтда Тошкент вилояти (машина ва ускуналарга инвестициялар улуши 41,8 %ни ташкил этади) ва Тошкент шаҳрида (58,4) эскирган машина ва ускуналарни янгилашга эътибор қаратилмоқда.

Реал секторда инвестицияларнинг умумий ҳажмида қурилиши янги бошланаётган объектлар 60,5 %ни, мавжуд объектларни реконструкция, модернизация қилиш ва кенгайтириш 25,7 %ни, бошқа объектлар эса 13,8 %ни ташкил этади деб баҳоланмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси (82,4 %), Қашқадарё (63,6), Наманган (85,7), Самарқанд (60,5), Сирдарё (60,1) ва Тошкент (61,6) вилоятларида инвестицияларнинг асосий қисми янги қурилишга йўналтирилмоқда. Янги ишлаб чиқариш объектлари. 2015 йилнинг I ярим йиллиги давомида 24,8 мингта иш ўрнига эга бўлган 1866та янги ишлаб чиқариш объектларини ишга туширилди. Қурилиш материаллари саноати (666 та лойиҳа), озиқ-овқат саноати (461), енгил саноат ва текстиль тармоғи (337), мебель ва қоғоз саноати (169), кимё ва нефть-кимё саноатида (149) лойиҳалар амалга оширилди[3].



■ Жами

■ Шундан, ҳудудий дастурлар доирасида

3-расм. Ҳудудларга 2012-2015 йилларда жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (давлат инвестиция дастури ва ҳудудий дастурлар доирасида), (млн.АҚШ доллари)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари (2012-2015 йиллар).

Давлат инвестиция дастури ва ҳудудий дастурлар доирасида ҳудудларга 2012-2015 йилларда жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2013 йилда 2012 йилга нисбатан камайганлигини кўриш мумкин. 2014-2015 йилларда жами жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмининг ўсганлигини, шунингдек, биргина 2015 йилда республикага жами жалб қилинган инвестицияларда ҳудудий дастурлар асосида жалб қилинган инвестицияларнинг улуши 1,3 фоизни ёки 647,8 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда.

1-жадвал

Ҳудудларда фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ташқи савдо фаолияти

Тармоқлар номи	Экспорт		Импорт		Ташқи савдо баланси (млн.доллар)
	Корхона сони	Ҳажми (млн.доллар)	Корхона сони	Ҳажми (млн.доллар)	
1	2	3	4	5	6
ЖАМИ	229	309,5	1115	1603,1	-1293,6
Саноат корхоналари	188	177,4	603	849,2	-671,8
Қишлоқ хўжалиги	5	0,3	24	28,3	-28,1
Хизмат кўрсатиш	36	131,7	488	725,5	-593,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари (2012-2015 йиллар).

Юқоридаги келтирилган жадвал маълумотлардан кўриш мумкинки, бугунги кунда реал секторнинг жами тармоқлари бўйича экспортда 229 та

корхона иштирок этаётган бўлса, шундан 188 таси саноат корхоналари, 5 таси қишлоқ хўжалиги корхоналари ва 36 таси хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритиб келмоқда. Импорт фаолиятида иштирок этиб келаётган корхоналар сони 1115 тани ташкил этган ҳолда тармоқлар бўйича турлича тақсимланган. Ташқи савдо балансида экспортдан кўра импортнинг ҳажми юқорилигини кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, реал сектор тармоқларини ривожлантиришда инвестиция ҳажмини янада ошириш, инвесторлар янгидан-янги инвестицион лойиҳаларни таклиф қилиш, реал сектор ривожда инновацияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқларини шакллантириш ва инвестицияларни йўналтириш, инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш, инвестицияларни қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилиш механизмининг янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз—мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир.// Халқ сўзи. 16 январь 2016 йил.
2. Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-таҳлилий бюллетени 2015 йил январь-июнь ойлари учун. Т.:2015 й.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2010 йил, 50-сон, 472-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари(2000-2015 йиллар).
5. www.UzReport.uz. сайти маълумотлари.